



БЕЛАРУС РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЕРГОВГА ТЕГИШЛИЛИК МАСАЛАЛАРИ  
ҚИЁСИЙ-ТАҲЛИЛ

**Темур Байжанов**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: bayjanovtemurbek07@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987262>

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳамда Беларус Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига биноан терговга тегишлиликнинг турлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги фикрлари ўрганилган. Терговга тегишлиликнинг турлари таҳлил қилиниб муаллиф терговга тегишлиликни предметли, ҳудудий, махсус (шахсга оид), муқобил; ишларнинг алоқаси бўйича тегишлилик каби турларга таснифлаган. Шунингдек терговга тегишлиликнинг турлари бўйича амалиётдаги муаммолар тадқиқ қилиниши таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят-процессуал кодекси, жиноят иши, тергов, суриштирув, орган, тегишлилик.

**Аннотация:** В статье анализируются виды принадлежности к следствию согласно уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан и Беларуси. При этом были изучены мнения специалистов ряда отечественных и зарубежных стран по данному вопросу. Проанализированы виды принадлежности к расследованию, и автор классифицировал принадлежность к расследованию на такие виды, как субъектная, территориальная, особая (личная), альтернативная; принадлежность к связи дел. Также были разработаны предложения и рекомендации о том, что проблемы, возникающие на практике, следует исследовать по типам принадлежности к расследованию.

**Ключевые слова:** УПК, уголовное дело, расследование, дознание, орган, значимость.

**Annotation:** The article analyzes the types of belonging to the investigation according to the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan and Republic of Belarus. At the same time, the opinions of experts from a number of domestic and foreign countries on this issue were studied. The types of belonging to the investigation are analyzed, and the author classified belonging to the investigation into such types as subjective, territorial, special



(personal), alternative; belonging to the connection of cases. Suggestions and recommendations have also been developed that problems that arise in practice should be investigated by type of affiliation to the investigation.

Keywords: Criminal procedure code, criminal case, investigation, inquiry, body, relevance.

1999 йилда қабул қилинган Беларусь Республикаси ЖПКнинг

37-моддасига биноан, суриштирувни 10 та орган амалга ошириш ваколатига эга . Беларусь Республикаси ЖПКнинг 40 ва 182-моддасининг ўн иккинчи қисми жиноят ишларини терговга тегишлилигини белгилайди. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўртасидаги терговга тегишлилик масаласини чегаралашнинг асосий мезони содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси ҳисобланади.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг 180-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов Тергов қўмитаси ва Давлат хавфсизлик органлари томонидан амалга оширилади. Эътиборли жиҳати шундаки, Беларусь Республикасида ҳам Россия Федерациясида бўлгани каби, прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов амалга оширилмайди. Яна бир янгилик ички ишлар органлари ҳам дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга эмас.

Шунингдек, Беларусь Республикаси ЖПК 182-моддасининг 3-бандига мувофиқ, агар жиноят ишини тергов қилиш давомида бошқа дастлабки тергов органининг терговига тегишли жиноят аниқланиб қоладиган бўлса, жиноят иши уни тергов қилаётган орган терговчиси томонидан давом эттирилиши ёки терговга тегишлилик прокурор томонидан белгилаб берилади . Эътиборли томони шундаки, мазкур ҳолатда Беларусь қонунчилигида қандай ҳолатда терговга тегишлилик масаласи прокурор томонидан белгилаб берилиши мумкинлиги қайд этилмаган.

Беларусь Республикаси ЖПК 182-моддасининг 4-бандида, турли дастлабки тергов органларининг терговига тегишли ишлар бирлаштирилаётганида, дастлабки тергов жиноят иши кўпроқ тергов қилинган орган томонидан амалга оширилиши белгиланган . Ваҳоланки, мазкур масала Ўзбекистонда прокурорнинг розилиги билан ҳал этилади. Қолаверса, турли дастлабки тергов органлари терговига тегишли жиноят ишлари битта иш юритувига бирлаштирилганда, прокурор терговни олиб боришни оғирроқ жиноят тўғрисидаги жиноят ишининг тергови қайси органга тегишли бўлса, шу органга, жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси тенг бўлганда эса, жиноят ишини узоқроқ



муддат давомида тергов қилаётган органга топширади . Фикримизча, мазкур масалада Ўзбекистон қонунчилигида нисбатан батафсил баён этилган.

Шу билан бирга, Беларусь Республикаси ЖПК 182-моддасининг

5-бандига мувофиқ, терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъий назар, Беларусь Республикаси Бош прокурорининг асослантирилган қарорига мувофиқ жиноят иши бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши мумкин . Айнан мазкур норма Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси ўн биринчи қисми мазмуни билан деярли бир хил экан. Фақат, ўзбек қонун чиқарувчиси мазкур ҳолатда ушбу ваколатни нафақат Бош прокурорга, балки унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳам берган. Қолаверса, ўтказилиши мумкин бўлган бешта ҳолатни ҳам аниқ кўрсатиб қўйган.

Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик масаласи Беларусь Республикаси ЖПК 184-моддаси билан белгиланган бўлиб, мазкур нормага мувофиқ, жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади. Шу билан бирга, агар жиноят содир этилган жойни аниқлашнинг имкони бўлмаса, тергов жиноят аниқланган ёки фош этилган жойда ўтказилади . Айнан мазкур норманинг иккинчи қисми, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилиги учун янгилик бўлиб ҳисобланади. Зеро, гарчи тергов амалиётида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича жиноят содир этилган жой номаълум бўлганлиги учун жиноят иши жабрланувчи мурожаат қилган ҳудудда қўзғатилаётган бўлсада, амалдаги қонунчиликда мазкур масала бўйича бирорта ҳам қоида мавжуд эмас. Шу нуқтаи назаридан ҳам мазкур нормани жуда ҳам ижобий деб баҳолаш мумкин.

Шунингдек, Беларусь Республикаси ЖПК 184-моддасининг 3-бандига мувофиқ, терговчи мазкур жиноят иши унинг терговига тегишли эмаслигини аниқлаган ҳолатларда, кечиктириб бўлмас тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиб, жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича юборишга мажбур . Мазкур нормани ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда бу каби норма мавжуд эмас. Ваҳоланки, бизнинг назаримизда бўлиши шарт. Фақатгина, Беларусь Республикасининг мазкур нормасида жиноят ишини терговга



тегишлилиги бўйича юборишнинг аниқ муддатларини белгиланмаганлиги, бизнинг назаримизда бироз мунозарага сабаб бўлади. Фикримизча, айнан мазкур норма талаблари тергов амалиётини янада сифатли ташкил этилишига хизмат қилишини инобатга олиб, уни миллий қонунчилигимизда акс эттириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг мазкур нормаси 4-бандида, бошқа ҳудудда тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш зарурати юзага келса, терговчи шахсан ўзи ўтказиши ёки уларни ўтказиш бўйича тегишли ҳудуддаги бошқа терговчи ёки суриштирувчига топширишга ҳақли . Айнан мазкур мазмундаги норма Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 347-моддасида ўз ифодасини топган. Унинг мазмунига кўра, ҳар бир терговчи ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида исталган жойда бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказишни бошқа терговчига ёки суриштирувчига топширишга ҳақлидир .

Шунингдек, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 184-моддасининг 5-бандида, жиноят иши доирасида бошқа давлат ҳудудида тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш зарурати юзага келадиган бўлса, терговчи қонунда белгиланган тартибда Бош прокуратурага илтимоснома хатини юбориши белгиланган . Дарҳақиқат, гарчи бу каби норма Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳам мавжуд бўлсада, лекин бевосита терговга тегишлиликка доир нормаларда ўз ифодасини топмаган.

Шундай қилиб, ҳар бир жиноят муайян жиноят ишининг терговга тегишлилигини белгиловчи ва уни аниқ битта тергов органи томонидан тергов қилиш мажбуриятини назарда тутувчи маълум белгилар мажмуасига эга. Бундай тўпламнинг белгиловчи элементларидан бирининг ўзгариши терговга тегишлилик ўзгаришига олиб келиши мумкин.